

---

## 20 НАФАР ФУҚАРОЛАРГА ИККИЛАМЧИ ИЖАРА ШАРТНОМА АСОСИДА 20 СОТИХДАН ЭКИН МАЙДОНИ АЖРАТИБ БЕРИЛДИ.

Президентимизнинг ахолини, айниқса эҳтиёжманд оила тоифаларини қўллаб-қувватлашга қаратилган хаётбахш дастурлари доирасида яна бир хайрли ишга қўл урилди. Кам таъминланган, реал даромад манбаига эга бўлмаган фуқароларга 10 йил муддатга бепул ер ажратиш ташаббуслари Данғараликлар учун ҳам чинакам янгилик бўлди. Жорий йилнинг 10 июн куни Данғара тумани Тарғова МФЙ худудида “Аёллар дафтари”, “Темир дафтари” ҳамда “Ёшлар дафтари”га киритилган, бугунги кунда расман ишсиз бўлган 20 нафар фуқароларга иккиламчи ижара шартнома асосида 20 сотихдан экин майдони ажратиб берилди. Вилоят хокимининг ўринbosари иштирокида ўтказилган тадбирда, юртбошимизнинг бу ғамхўрлигига жавобан, ердан унумли фойдаланиш, асосий мезон даромадга қаратилиши зарурлиги айтиб ўтилди. Шу куни юрт оқсоколлари дуолари билан ажратилган майдонларга унинг хақиқий эгалари иштирокида қозик қоқилиб екин майдонларига дастлабки уруғ экиб берилиди.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook,](#)  
2021-06-11 08:57:01